

---

## Янги “Рушной” подстанцияси аҳолига рушнолик бахш этмоқда

Янги “Рушной” подстанцияси аҳолига рушнолик бахш этмоқда

Эътироф этиш лозимки, бугун Сух туманида Республика ҳукумати ва бевосита Президентимизнинг эътибори туфайли ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тумандаги электр-энергияси билан боғлиқ бўлган муаммо ва камчиликлар босқичма босқич ҳал этилиб, аҳолининг ҳақли равишдаги розилигига сабаб бўлмоқда.

Олиб борилган кенг қамровли ишлар натижаси ўлароқ, Сух туманида яна битта электр-энергияси етказиб берувчи янги подстанция бугун фойдаланишга топширилди. Маълумот ўрнида: жорий йилда Сух тумани электр-энергия истеъмолчилари таъминотини яхшилаш мақсадида 110/35/10 кВли “Девайрон” подстанциясида 16 000 кВли Т-2 куч трансформатори ишга туширилиб, кучланиш берилди. 110/35/10 кВли “Тул” подстанциясида 10 000 кВли Т-1 куч трансформатори ҳамда электр қурилмалари мақамал таъмирланди. Шунингдек, туман ҳудудидаги “Ғазнов”, “Сух”, “Шарқобод” подстанцияларида ҳам таъмирлаш ва демонтаж ишлари олиб борилиб, аҳолига электр-энергияси таъминотида қулайликлар яратилди.

Бугун тумanning 3-сектори ҳудудида яшайдиган аҳоли учун унутилмас, тарихий кун бўлиб қолади. Сектор таркибига кирувчи Қизилқиёқ маҳалла фуқаролар йиғинида янги “Рушной” подстанцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги 35/10 кВли подстанциянинг улаш-созлаш ишлари охирига етказилиб, ҳудуд аҳолисига тақдим этилди.

Тақдимот маросимида маҳаллада яшовчи нуроний отахонлар, вилоятдан келган соҳа вакиллари ва туман ЭТК ишчи-ходимлари қатнашдилар. Тадбирда иштирок этган туман ҳоқими Сайидбахром Сайидмўсаев бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида туман миқёсида асрга татиғулик ишлар олиб борилаётгани, биргина электр-энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида ажратилган миллиардлаб маблағлар ҳақида гапириб, ҳудуд аҳолинин ушбу шодиёна билан табриклади.

–“Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда туманимизда Юртбошимизнинг ғамхўрликлари туфайли эътироф этишга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, бизнинг маҳалламизда шу кунга қадар туман миқёсида “свет ўчиришлари” бўлмасада, электр-энергияси таъминотида кўп узилишлар юзага келарди. Сабаб трансформаторларнинг маънан эскирганлиги ва паст кучланишда бўлганлиги. Мана, энди иккинчи сектор ҳудудидаги Сариканда маҳалласининг бир қисми, Қизилқиёқ, Шарқобод, Ҳушёр, Себзор, Қақир маҳаллалари ўзларининг “шахсий” подстанцияларига эга бўлишди. Мен бутун учинчи сектор аҳолиси номидан мўхтарам Президентимизга самимий миннатдорчилик билдираман”, - деди тадбирда сўз олган отахон Туйчибой Сафархўжаев.

Тадбирда қатнашган иштирокчилар томонидан карантин талабларига риоя этган ҳолда янги подстанция фойдаланишга топширилди. Туман ЭТК ишчилари томонидан янги подстанциядан фойдаланиш учун старт берилди. Рушнолик манбасидан подстанция кўзатув биносига ўрнатилган замонавий чироқнинг порлаши барча иштирокчилар кўнглига рушнолик улашди десак, муболаға эмас.

Маълумот ўрнида: айна кунгача туманда фақат электр-энергияси таъминотини яхшилаш учун давлат ҳисобидан 3 миллиард 528 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги подстанциянинг фойдаланишга топширилиши билан қўшимча 16 000 кВА қувват яратилиб, 15 000 нафардан зиёд истеъмолчиларнинг электр-энергияси таъминоти яхшиланди.

---

Ҳукуватимиз эътибори доирасида фойдаланишга топширилган янги “Рушной” подстанцияси аҳолига ҳақиқий рушнолик бағишлашига ишонамиз. Рушноликдан баҳра олаётган туман аҳоли берилаётган кенг миқёсли ҳар бир эътибордан баҳра олиб, нурли манзиллар сари илдам одимламоқдалар. Туман миқёсида ободонлаштириш ишлари қизғин давом этаётир.

---

Сух тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати

“Фарғона ҲЭТК” АЖ Матбуот хизмати

2020-07-11 16:07:31